

## ЁШЛАР - ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪНАВИЙ ЭЛИТАСИ

**Г.А.Очилова**

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти  
доценти, фалсафа фанлари номзоди

### АННОТАЦИЯ

*Мақолада бугунги кун ёшларининг маънавий элитаси республикаимиз байроғини кўкларга кўтарайтганлиги, уларнинг иқтидор ва истеъдодини намоён этаётганлиги, Ватан равнақи, давлатчилик ривожига ўз интеллектуал салоҳияти ва меҳнатлари билан намуна бўлаётганлиги хусусида фикрлар баён қилинган. Шу билан бирга, айрим ёшлар орасида юзага келаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари тўғрисида таклиф ва тавсиялар берилган.*

**Калит сўзлар:** жамият, ёшлар, маънавият, маърифат, маданият, элита, ледир, комиллик, инновация, истеъдод.

### АННОТАЦИЯ

*В статье высказываются мнения о том, что духовная элита сегодняшней молодежи своим интеллектуальным потенциалом и трудолюбием поднимает знамя нашей республики, показывая свои таланты и умения, показывая пример в развитии Родины и государственности. В то же время были сделаны предложения и рекомендации о проблемах, возникающих у некоторых молодых людей, и мерах по их устранению.*

**Ключевые слова:** общество, молодежь, духовность, просвещение, культура, элита, лидерство, совершенство, новаторство, талант.

### КИРИШ

Мустақил тараққийт йўлидан оғишмай олға бораётган юртимиз ўз мустақиллигининг 31 йиллигини нишонлади. Ушбу давр ичида эришилган натижалар самараси халқимизнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий элита сифатида кўшаётган ҳиссаси билан боғлиқ. Мамлакатимизда ёшларни жисмоний ва маънавий баркамол инсон қилиб тарбиялаш, илм-фан ва инновацияларга жалб қилиш, уларни учинчи Ренессанснинг пойдеворининг бунёдкори сифатида кўриш мақсадидаги давлатчилик сиёсати устувор аҳамият касб этмоқда. Яъни, замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш каби муҳим ишларни амалга оширишда ҳам юксак маънавиятимизга таяндик. Улкан ўзгариш ва янгиланишларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Зеро, маънавияти юксак халқ иродаси

мустаҳкам, давлати қудратли бўлади. Атоқли давлат арбоби, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов – “Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қанотидир”.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Маълумки, ҳозирги кунда Давлат статистика қўмитасининг берган маълумотларга кўра, 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда 14–30 ёшдаги жами доимий аҳоли сони 9 миллион 726 минг 608 нафарни ташкил этган. Шундан 4 миллион 973 минг 204 нафари ўғил, 4 миллион 753 минг 404 нафари эса қиз болалардир<sup>1</sup>. Республикамиз аҳолиси таркибидаги бундай катта қатламнинг ички, яъни таркибий хилма-хиллиги, ўзига хос хусусиятларни назарда тутадиган бўлсак, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш билан боғлиқ сиёсатнинг долзарблиги янада кучлироқ намоён бўлади. Жумладан, “Ёшларга оид давлат сиёсатини таҳлил этадиган бўлсак, охириги 5 йил мобайнида республикада 12 та қонун, Ўзбекистон Президентининг 27 та фармони ва 36 та қарори, ҳукуматнинг 87 та қарори қабул қилиниб, соҳанинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди. Шунингдек, 2022 йил 19 январда “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ёшлар билан ишлашнинг тизимли ёндашуви асосида муаммоларни бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида 9348 та маҳаллада ёшлар етакчиси фаолияти йўлга қўйилди. Ёшлар етакчиси лавозимига тажрибага эга, ташаббускор, салоҳиятли ледир ёшлар саралаб олинди ва уларга муаммоларни вақтида бартараф этишга қаратилган 17 турдаги тавсиялар қайта тайёрлаш ва ўқитиш жараёнида берилди.

Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув ва рақобат муҳитида биз эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, давр билан ҳамқадам бўлишимизда, ёшларнинг маънавий элитаси ҳал қилувчи омилга айланиши зарурат бўлиб қолганлигини янада яққолроқ англамоғимиз зарур. Чунки маънавий камолот инсонда фаол ташаббускорликни, янгиликларга, атроф-муҳитга дахлдорлик туйғусини

<sup>1</sup> «Bugun.uz» 2021 й.04.11.

оширишга, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва мафқуравий муаммоларни кенг кўламда ҳал этиш маҳоратини намоён этади.

Ёшларнинг ўзига хос дунёқараши, ижтимоий ҳаётда ҳақиқий ўз ўрнига эга бўлиш учун интилиши, махсус мутахассисликка эга бўлиши, оила қуриш ва уни ривожланиб бориши учун курашиши, бошқарув ва бошқа соҳаларда фаол иштирок этиши, яратилган имкониятлардан самарали фойдаланишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Фақатгина улардан ўз интеллектуал салоҳиятларини ошириб боришлари, юқорида келтирилган талабларга жавоб бера оладиган кадр бўлиши учун маънавий жасорат эгаларига айланиши талаб қилинади. Бинобарин, “Энг буюк жасорат бу – маънавий жасоратдир”.(2. 159.)

Маълумки, ёшларнинг иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқариш, фантализм соҳасида кўллаб-қувватлаш бўйича яхлит тизим яратилиб, янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Мазкур Қонун ижроси юзасидан таълим тизимини янада ривожлантириш, мактабгача таълим, халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълимини ислоҳ қилишнинг 2030 йилгача бўлган стратегиялари қабул қилиниб, ёшларнинг сифатли таълим олиши ва тўлақонли иқтидорларини рўёбга чиқаришнинг янги механизми яратилди. Президентимизнинг 2021 йил 6 июлдаги “Республика олий таълим муассасаларига талабалikka қабул қилинган иқтидорли ёшларни янада кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президенти гранти жорий қилинди. 2021-2022 ўқув йилида кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган 200 нафар ёшларга грант асосида ўқиш имконияти берилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси квотаси таянч докторонтурада таҳсил олаётган докторонтлар ва магистратура босқичи талабалари учун икки баробар оширилиб, 10 тадан 22 тага етказилди.

Юқоридаги чора-тадбирлар албатта, ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Илм ва маърифат бешиги бўлган бу юрт авлодлари буюк аждодларининг муносиб вориси эканлигини унутмаган ҳолда, ўз истеъдод ва салоҳиятини намоён этмоқда. Чунончи, иқтидорли ёшларимиз халқаро фан олимпиадаларида 255 та, минтақавий олимпиадаларда 230 та олтин, кумуш ва бронза медални қўлга киритди. Ўзбекистон мезбонлик қилган 56-халқаро Мендилеев олимпиадасида иштирок этган 16 та давлат вакиллари орасида ёшларимиз илк марта 1 та олтин, 4 та кумуш, 5 та бронза медални қўлга киритиб умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллади.

Президентимизнинг 2022 йил 20-январдаги “Заковат” интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бўйича ҳам кенг қамроқли ишлар олиб борилмоқда. Таълим муассасалари, маҳаллаларда “Заковат” интеллектуал клуби координаторлари ва тўғарақлари фаолияти йўлга қўйилиб, машғулотларда мактаблардан 300 мингдан ортиқ, Президент таълим муассасалари, профессионал таълим муассасалари ва академик лицейлардан 11 мингдан зиёд, олий таълим муассасаларидан 33 мингдан ортиқ ёшлар доимий иштирок этиб келмоқда.

Интеллектуал ўйинларни янада оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Грузия ва Германия иқтидорли ёшлар учун Нобель мукофотининг 10 дан ортиқ лауреати иштирокида IV “Nobel Fest” фестивали ташкил этилди. Энг ширали овоз эгаларини кашф этишга хизмат қилаётган “Ёшлар овози” танловининг мамлакат босқичи Бўзатов тумани ва Нукус шаҳарларида “Бўзатов Фест” – “Ёшлар овози” танловида 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган 238 минг нафардан ортиқ йигит-қизлар иштирок этганлиги ҳам ёшларнинг маънавий элитаси сифатида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Бугун халқаро мусобақаларда спортчиларимиз 2008 йилда 103 медалга (51 олтин) лойиқ топилган бўлса, 2011 йилда 182 медал (60 олтин, 64 кумуш, 58 бронза) жамғаришган эди. 2021 йил 9–18 август кунлари Туркиянинг Коня шаҳрида халқаро Ислом бирдамлик ўйинлари бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Ўзбекистон делегацияси 51 та олтин, 42 та кумуш 65 та бронза умумий-158 та медал жамғарган ҳолда умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллашганлиги ҳам халқаро майдонда юртимиз байроғини баланд кўтариб зафарлар кучиши, ҳар бир ёш йигит-қизларимизнинг етуқлиги, қолаверса, маънавий жасоратидир. 2022 йилнинг 14-18 июнь кунлари Ливан пойтахти Бейрут шаҳрида таэквондо WT бўйича 24-Осиё чемпионати ўтказилди. Ўзбекистон шарафини 17 нафар таэквондочиларимиз қилган қитъа чемпионатида вакилларимиз 10 та медални қўлга киритиб, энг яхши натижани қайд этишди. 17 давлатдан юздан зиёд спортчиларимиз иштирок этган мусобақада тумандошимиз Шаҳбоз Тусматов 74 килограмм вазнда бронза медали соҳибига айланди. Шунингдек, Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида спортнинг Combat Systems тури бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати мусобақаларида 70 килограмм вазнда ғолибликни қўлга киритган Муҳаммаддиёр Йигиталиевнинг ҳам Ўзбекистон спортида ҳиссаси катта.

Айниқса, ёшлар орасида шахмат спорт турига қизиқтириш учун давлат даражасида эътибор қаратилганлиги, қўллаб-қувватланганлиги боис, ўзининг самарасини кўрсатди. 2022 йил 5-августда Президентимизнинг “Шахматни янада оммалаштириш ва ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. 2022 йилнинг 28 июль – 9 август кунлари Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида ўтказилган 44-бутунжаҳон шахмат олимпиадасида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Нодирбек Абдусатторов, Нодирбек Якуббоев, Жавоҳир Синдоров, Жаҳонгир Воҳидов, Шамсиддин Воҳидов каби ўғлонларимизнинг истеъдодига бутун дунё тан берди. Улар 188 та жамоа орасида фахрли биринчи ўринни эгаллаб, мамлакатимиз тарихида илк бор шахмат бўйича олимпиада олтин медалларини қўлга киритди. Шу билан бирга, 2026 йилда бўлиб ўтадиган 46 –Бутунжаҳон шахмат олимпиадасини ўтказиш бўйича тендер танловида Ўзбекистон Республикаси ғолибликни қўлга киритди. Бугунги Янги Ўзбекистон – чемпионлари бўлган юртга айланмоқда. Йилдан-йилга бу кўрсаткичларнинг сони ошиши, иқтидорли ёшларнинг кўпайиши ўзбек ёшларининг маънавий элитаси сифатида юксалиб бораётганини кўрсатмоқда.

Юқоридагилардан айтиш мумкинки, бугунги кунда ёшларнинг маънавий элита сифатида қўшаётган ҳиссаси билан фахрлансак, эртанги истиқболли келажакка умид қилсак бўлади. Шу билан бир қаторда айрим муаммоларнинг ёшлар маънавий камолотига салбий таъсирини кўришимиз мумкин. Бу ҳолатлар, бизнинг фикримизча қуйидаги кўринишларда намоён бўлмоқда:

1. Баъзи ёшлар руҳиятидаги эркинлик ва маъсулиятга нисбатан онгли муносабатнинг шаклланмаганлиги ва бунинг оқибатида беъманилик гирдобига қолиши рўй бермоқда. Ғарбона эркинлик тамойилларининг ҳаётимизга телесериаллар, видеофильмлар, интернет маълумотлари орқали кириб келиши ёшлар ижтимоий қиёфасига муайян таъсир этмоқда. Бундай қарашлар меҳр-муҳаббат, эзгулик асосида жамоавийликни қадрловчи халқимиз табиатига зид бўлиб, ёшлар маънавий дунёсига путур етказмоқда. Бунинг пайдо бўлиши ота-оналар ва мураббийларнинг, қолаверса, маҳалла жамоасининг бефарқлиги жамоат назоратининг сустлиги, ўзбўларчиликка ташлаб қўйилгани асосида содир бўлмоқда. Зеро, “қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзбўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади”. (2. 116.)

Шу боис, ёшларнинг онгли эҳтиёжини ривожлантириш, миллий давлатчилик тафаккурини шакллантириш зарур.

2. Ёшларнинг ишонувчанлик, ҳис-туйғуларга берилувчи, энди янги ҳаётга қадам ташлаётган бир пайтида ёт ғоялар таъсирига кириб қолиш хавфи пайдо бўлмоқда. “Биз юртимизда янги ҳаёт асосларини барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим, яъни коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келишини унутмаслик керак”. (2. 53.)

3. Ёшларда меҳнатга бўлган қизиқишнинг ўрнига енгил даромад топишга бўлган интилишнинг авж олиши ҳам бугунги кундаги долзарб муаммолардан бирига айланмоқда ва бунинг оқибатида турли хил хавфли омилларнинг вужудга келиши рўй бермоқда. Таассуфки, меҳнат тарбиясига нисбатан эътибор сусайган. Ҳаттоки, айрим талаба ёшларимиз ҳам ўқиш ва изланиш ўрнига интернет маълумотларини шундайлигича нусха кўчириш йўли билан реферат, курс иши ва қўшимча мустақил ишларни бажариш билан кифояланаяптилар. Албатта, илғор технологиялардан фойдаланиш зарур. Лекин, таълим жараёнини меҳнатдан кескин ажралиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди, чунки маънавий етуклик меҳнат асосида юксалиб боради.

## **ХУЛОСА**

Юқоридагилардан хулоса қилганимизда, биринчидан, ёш авлод онгида миллий ва умуминсоний қадриятларга бўлган муносабатларини ривожлантириш; иккинчидан, юртимиздаги ёшларнинг элитаси бўлган йигит-қизларимизнинг фаолиятдан фахрланиш ва уларнинг атрофида жипслашиш; учинчидан, турли ёт ғояларга қарши курашишда ҳар бир фуқародан хушёр ва сергак бўлиш, дахлдорлик фазилатини янада кучайтириш; тўртинчидан, оила, маҳалла ва таълим масканларида меҳнат тарбиясига эътиборни кучайтириш; бешинчидан, уларнинг эҳтиёжларга нисбатан онгли муносабатини шакллантириш зарур.

## **REFERENCES**

1. Каримов И.А. Юксак билимли интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti. // XXI аср. – Тошкент, 2012. - №08 (432)
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
3. Axmedov, B. (2021). Qorako'lchilik sohasini ilmiy tadqiqotlarda o'rganilishining ahamiyati.

4. Ochilova, G. A., Ochilov, B. A., & Aralov, M. B. (2021). GLOBAL ENVIRONMENTAL POLICY: PROBLEMS AND SOLUTIONS. *Проблемы науки*, (9 (68)), 49-56.
5. Очиллова, Г. А., Очиллов, Б. А., & Аралов, М. Б. (2021). ГАРМОНИЗАЦИЯ ИНТЕРЕСОВ НАРОДОВ ЯВЛЯЕТСЯ ВАЖНЫМ ФАКТОРОМ РАЗВИТИЯ МЫШЛЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ ГОСУДАРСТВЕННОСТИ. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (2-9), 43-47.
6. Aralovna, O. G., Suyunovna, J. S., Ismoilovich, B. I., & Buriniyozovna, E. S. (2020). PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE DEVELOPMENT OF SOCIAL CONSCIOUSNESS. *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology*, 17(7), 5437-5442.
7. Turabova, S. K., & Juraeva, V. F. (2019). THE SOCIO-POLITICAL SIGNIFICANCE OF THE PHENOMENON SCIENTIFIC DISCUSSION IN THE DEVELOPMENT OF THINKING OF THE PEOPLES OF THE EAST. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(8), 168-174.
8. Turabova, S. K. (2019). Social importance of the discussion in the development of civil society. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(6), 260-266.
9. Мамасалиев, М. М., & Бўриев, И. И. (2019). Информационная безопасность учащихся-одно из основных направлений деятельности педагога. In *Фундаментальные основы инновационного развития науки и образования* (pp. 188-190).
10. Mamasaliyev, Mirzoulug' Mirsaidovich (2022). AMIR TEMUR DAVRIDA MARKAZLASHGAN BOSHQARUV TIZIMINING SHAKLLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (5-2), 1120-1129. doi: 10.24412/2181-1784-2022-5-2-1120-1129
11. Kattakulovna, T. S. (2022, April). SCIENTIFIC DISCUSSIONS AS AN INNOVATIVE METHOD OF COGNITION. In *Conference Zone* (pp. 116-117).